

## МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ

**Л. К. Ахатов**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

**Ж. Жўраева**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

### АННОТАЦИЯ

Янги Ўзбекистонда, бугунги шиддат билан ўтиб бораётган янги тараққиёт босқичида жисмоний соғлом ва маънавий баркамол ёш-авлодни тарбиялаш мамлакат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги мақолада илмий нуқтаи назардан кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** маънавият, қадрият, интеллектуал салоҳият, таълим, тарбия.

### IMPLEMENTATION OF SPIRITUAL VALUES AND INTELLECTUAL POWER OF YOUTH

#### ABSTRACT

In the new Uzbekistan, at the current stage of rapid development, the article considers from a scientific point of view that the upbringing of physically healthy and spiritually mature young generation is a priority of the country's policy.

**Keywords:** spirituality, value, intellectual potential, education, upbringing.

#### КИРИШ

Бугунги янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар замирида ёшлар ва уларнинг интеллектуал салоҳияти мужассамдир. Мамлакатимиз Президентининг “Биз ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги демократик жараёнларда фаол иштирок этишига, уларнинг сиёсий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим” деб таъкидлагани ҳам фикримизга асосдир.

Маълумки, ёш авлод вакилларининг интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ўзига хос тадрижий ва ижтимоий-маданий омиллари мавжуд бўлиб, ушбу омиллар ичида тарбия ва таълим омили етакчи саналади. Сабаби

инсондан, хусусан, ёшлардан ўз истеъдод ва иқтидорини шакллантириш ва намоён этиш учун диярли ҳамма шарт-шароитларни тарбия ва таълим орқали амалга оширилади. Шунингдек, деалектик тараққиётнинг янги босқичида бутунлай янги шарт-шароит ва муҳитда ўсган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга қадам қўймоқда. Шу билан бирга, мамлакат аҳолисининг асосий қисмини ташкил этадиган ёшларнинг ҳали тўла ечилмаган муаммоларини интеллектуал салоҳият билан ечиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, таълим тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-маданий юксалтириш асосий вазифаси саналади. Шунинг учун, бугунги ёшлар тарбияси фақат мактабда ёки оилада эмас, балки бутун жамият олдидаги ўта стратегик ва зарурлик жиҳатидан муҳим мақсад ҳисобланиши керак.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Спорт ва маънавий қадриятларни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш учун ҳам жисмоний ва ҳам ақлий меҳнат, яъни интеллектуал салоҳият орқали, уни амалга оширган ёшларгина, жамият учун ушбу давр ва келажак авлодга маънавий қадриятларни мерос қилиб қолдириш имкониятини бунёдкорлари бўлади. Бундай спорт орқали шаклланган маънавий қадриятлар ўз навбатида шу жамият учун инсон омилини муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Шунинг учун, спорт ва ақлий меҳнат вакили саналган ёшлар янги ғояларни бунёд этади ва такомиллаштиради, жамиятнинг қолган қисми учун меъёрлар ва маданий қадриятларни белгилайди деб эътироф этилади. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари олға қадам қўйиш, юксак маънавиятли ёшларни миллий тикланишга сафарбар этиш ўз мустақил фикрига эга балкамол авлод вакилларини шакллантириш каби муҳим стратегик вазифани ҳал қилиш билан белгиланади. Бундай ғоялар ўз навбатида ҳар томонланма оила, маҳалла, мактабгача таълим, умумтаълим муассасалари, ОТМ (ЎзДЖТСУ мисолида Л.Ахатов), фуқаролик жамияти институтларининг биргаликда самарали фаолият олиб боришини тақозо этишлиги шарт.

Фикримизга асос бу: ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш масалалари белгиланганлигидир.

Бундай қарорга келишга доир мисоллар кўп: файласуф олимлардан Хосе Арангуреннинг таъкидлашича, интеллектуал салоҳият вакили (эгаси Л.А) “миллат виждони”, “озчиликнинг жамиятдаги энг илғор, мустақил ва

прогрессив овози”, бўлишлиги айтиб ўтилган. Бундан маълумки, интеллектуал салоҳият эгаси миллат ва жамиятнинг “гнезиси”-субстационал ядроси бўлмоғи лозим. Бу ўз навбатида миллат ва жамиятнинг “гнезиси”ни шакллантириш эҳтиёжини амалга оширади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлса, рационал (ақлий фаолият Л.А) тизимининг ҳозирги ҳолатини, инсон ҳаётининг маълум бир даврида (ёшлик ва ўсмирлик) интеллектуал фаолиятнинг самарадорлигини баҳолашга интеллектуал мақом тушунчаси орқали ифодаланади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жисмонан соғлом ва маънан етук бўлган, интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар-бу раццоонал (ақл-идрок) тизимининг янги даражасига ўтиш учун зарур саналган воқеликнинг ўзига хос инъикоси, сифат жиҳатдан янги элементлар ва функциялар тизимини ўзида жо этишлиги лозим.

Шунинг учун “Таълим-тарбиянинг асосий мақсади ҳар бир шахсда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш ҳамдир” деб қаралади. Аслини олганда, маънавиятнинг ўзаги бўлмиш инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомалалиқдан иборат бўлибгина қолмай, аввало инсоф, адолат, имон, ҳалолликни ташкил этишлиги лозим балади.

Унутмаслик керак, тарихий даврларда маънавий қадриятлар бирининг ўрнини иккинчиси эгаллайди, тўлдириб боради, бойитиб боради, ривожлантириб туради, яъни эскини умуман инкор қилмасдан, балки унинг кераксиз бўлиб қолган жиҳатларидан воз кечиб, янги тараққиётга имкон яратиш келади.

Демак бугунги кунда ҳам янги авлодни тарбиялашдаги энг муҳим асос бу катта авлод тажрибасига таяниш, хулқ-одоб қадриятларини аждодларимиз доно фикрларига уйғунлашган ҳолда ворисийликка асосланиб давом эттириш ке рак. Тараққиётнинг ҳар бир юқорироқ босқичи қуйи босқич билан “ворисларча” алоқадор бўлганида аввалини инкор қилмайди, балки унинг ёрдамида мазмунан бойийди, тараққий этади. Инкор ўзининг моҳият-эътибори билан фақат эскиликни тугатишни эмас, балки олдинги босқичларда қўлга киритган илғор ижобий ютуқларни сақлаб, янада ривожлантиришни назарда тутаяди.

Шундагина, ҳам жисмонан ва ҳам маънан етук кадрлар салоҳияти ва интеллектуал салоҳияти бойитилади. Анашу мавжуд интеллектуал салоҳият эгаларини мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш, “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ҳаётга татбиқ этишга йўналтириш орқали миллий юксалишга эришиш мумкин.

Спорт ва маънавий қадриятларни амалга оширишда ёшлар интеллектуал салоҳияти орқали белгиланадиган омилларни ифодаловчи вазифаларни шакллантирувчи таянч бу “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим” эканлигидир.

Бугунги тараққиётнинг янги босқичида ёшлар интеллектуал салоҳиятини ошириш учун давлат сиёсати даражасида ҳаракат қилинмоқда. Бугунги кунда жамиятда тизимли равишда давлат ва шахс, давлат ва фуқаролик жамияти, давлат ва оила устуворлиги ҳамда ҳимояси, давлат ва таълим-тарбия, давлат ва аҳоли саломатлиги, давлат ва хотин-қизлар, давлат ва ёшлар каби ўзаро алоқадор ижтимоий-маданий воқеаларнинг изчил, ҳамнафас ва бир-бирини тўлдирувчи ижтимоий-маданий категориялари ривожланмоқда. Бу борада мамлакат раҳбарининг “Халқ давлат учун эмас, балки давлат халқ манфаати учун хизмат қилишлиги лозим” деган мазмундаги чақириқлари ҳам бир асос саналади. Шу билан бирга, давлат ўз сиёсатини амалга оширар экан, табиий равишда, ёшлар қатламини унинг таянчи ва истиқболини белгилаб берувчи асос сифатида қабул қилишлигига боғлиқ. Шундагина, ёшларни ҳам жисмонан ва ҳам маънан интеллектуал салоҳиятини ошириш давлатнинг энг муҳим ижтимоий-маданий қадриятига айланиб боради. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил март ойида илгари сурилган бешта ташаббус мазмуни ва вазифалари билан боғлаш ёшлар учун муҳим аҳамиятга эгалиги ҳам ушбу фикрларимизга бир асос ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Ҳикмат шуки, ёшларни жисмонан ва маънан етук ҳамда интеллектуал салоҳиятини оширишлик – бу демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва шахс эркинлигини таъминлаш борасидаги ҳар бир устувор йўналишларда ўз куч-қуввати, билими, салоҳияти, идроки ва журъатини кучайтиришга қаратилган давлат сиёсати билан интеграшув хусусиятига боғлиқлигида. Мамлакатимизда ёшлар интеллектуал салоҳияти ва жисмоний маданият омилларини юксак

босқичда баҳолаш ва кўтаришда таълим-тарбия омили давлат сиёсати моҳиятига кўра ҳам миллий, ҳам умуминсоний кадриятларга таянилган ҳолда амалга оширилиб юксалиш сари ҳаракатланмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий-маданий тараққиётда ёшларни тўлақонли иштирок этишлари учун, таълим-тарбия тизимига оид амалга оширилаётган ислохотлар ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишнинг муҳим буғуни саналади. Мисол учун, мамлакатда таълим тизимини ривожлантиришга оид бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, баркамол авлодни спорт соҳасига йўналтириш ва интеллектуал салоҳиятини оширишга замин яратилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида миллий юксалишнинг самараси ёшлар интеллектуал салоҳиятининг намоён бўлиши учун ҳам кенг имкониятлар ҳозирлайди.

Унутмаслик керак, “Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган ёшлар билан ишлаш масаласи, бундан буён ҳам энг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади”.

## REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ 2019. Б-386
2. Энциклопедия социологии. 2-том. Москва. 2016. С-214.
3. Ўзб.Рес. Президенти “Ўзб.Респ. янада ривож. бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947 фармони 2017 йил 7 феврал
4. J.L.Aranguren El buen talante Obras Completas.-Madrid: Trotta, El buen talante.- V.638.
5. Э.Юсупов Ёшларнинг –маънавий камолоти – Т.: Ўзбекистон, 1995. 8 б.
6. М.Қахҳорова Ворислик хулқ одоб кадриятларини шакллантиришнинг муҳим омили. Ф.ф.н...дисс. – Т.: ЎзМУ. 2001. – 162 б.
7. Ш.М.Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // URL - [https://nrm.uz/contentf?doc=480816\\_o'zbekiston\\_respublikasining\\_saylangan\\_o'zb\\_respublikasi\\_konstituciyasi\\_qabul\\_qilinganining\\_24\\_yilligiga\\_bag'i\\_shlangan\\_tantanali\\_marosimdagi\\_maruzasi\\_\(2016\\_yil\\_7\\_dekabr\)](https://nrm.uz/contentf?doc=480816_o'zbekiston_respublikasining_saylangan_o'zb_respublikasi_konstituciyasi_qabul_qilinganining_24_yilligiga_bag'i_shlangan_tantanali_marosimdagi_maruzasi_(2016_yil_7_dekabr))
8. Ш.М.Мирзиёев Президент: Ёшларни тарбиялашдаги муҳим 5 та ташаббус. 20.03.2019. <http://uzdaily.uz>
9. Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси // URL - <https://president.uz/uz/lists/view>